

hamkorlik munosabatlarining holati, xalqaro va mintaqaviy muammolar, jumladan, Afg'onistondagi vaziyat borasida fikr almashdilar.

Shu bilan birga, Xitoy iqtisodiyotida uglevodorod zahiralari va boshqa xildagi xomashyo resurslariga nisbatan bo'lgan talabning ortib borishi ham Markaziy Osiyo mintaqasiga nisbatan munosabatlarni yanada chuqurlashtirish zaruriyatini taqozo qiladi. Bu jihatdan O'zbekiston hududida katta miqdorda neft va gaz zaxiralarining mavjudligi davlatlararo aloqalarning istiqbolini ko'rsatar edi.

Islom Karimovning 1999-yil 8–10-noyabr kunlari XXRga uchinchi marta safari chog'ida siyosat, iqtisodiyot, madaniyat, telekommunikatsiya sohalarida hujjatlar imzolandi.

Bu davrda O'zbekistonning Xitoy bilan iqtisodiy munosabatlarida sezilarli darajada o'sishlar kuzatildi. Bu esa, o'z navbatida, ikkitomonlama savdo qilish ko'lamlari kengayishida namoyon bo'ldi. Xitoy sarmoyalari asosan neft-gaz sohalariga kiritilayotganligini ko'rish mumkin.

O'zbekiston va Xitoy o'rtasida tovar ayirboshlash hajmining o'sishi ham e'tiborga molik. Statistik dinamikaga e'tibor bersak, 2000-yilda tovar ayirboshlash 100 mln AQSH dollari miqdorida bo'lsa, 2012-yilga kelib, bu ko'rsatkich 3 mlrd AQSH dollaridan oshib ketdi. 2009-yilda O'zbekistonning XXRga eksporti xizmatlar (qariyb 45%), rangli metallar (taxminan 19%), paxta tolasi (qariyb 12%), kimyo xomashyosi (qariyb 9%), mashina va asbob-uskunalar (taxminan 8%)lardan iborat bo'ldi. O'z navbatida, Xitoydan yetkazib berilgan mahsulot turi, asosan, mashinasozlik mahsulotlari (qariyb 54%), xizmatlar (qariyb 18%), oziq-ovqat mahsulotlari (taxminan 10%), kimyo mahsulotlari (taxminan 9%)dan tashkil topgan.

Hozirgi kunda ham O'zbekiston-Xitoy hamkorligi yuqori sur'atlarida rivojlanib bormoqda. O'zaro manfaatli hamkorlik ikkala davlat uchun ham muhim ahamiyat kasb etmoqda.

XVIII ASRNING IKKINCHI YRMI – XIX ASR BO'SHLARIDA ХИВА ХОНЛИГИНИНГ СИЁСИЙ ТАРИХИ ВА БОШҚАРУВИГА ДОИР МАНБАЛАР

✓Х.Абдуллаева (УрДУ, 1-босқич магистранти)

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий тарихини холисона ёритиш тарихнависликнинг бош мақсади хисобланган. Бу ҳақда тарихчи Муҳаммадюсуф Баёнийнинг шун-

дай сўзлари бор: “Тарих китоби ёзишни бир шарти бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик этмасдан бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён этмаса, унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъкул булмайди”.

Хива хонлигида шажаравий тарихнавислик мактаби шаклланган бўлиб, унинг йирик намояндалари сифатида Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийларни келтириш мумкин. Улар томонидан юксак маҳорат билан ёзилган тарихий асарлар ўз мазмуни, келтирилган маълумотларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу тарихчилар бир-бирларининг ишини давом эттириб, Хива хонлиги ҳудудида XVII аср II ярмидан XX аср бошларигача рўй берган тарихий воқеаларни ўз ичига олувчи асарларни ёзиб қолдирдилар.

Тарихчи Мунис XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган тарихнавис. Шермуҳаммад Муниснинг тарихий асари “Фирдавс ул-икбол” қадим замонлардан бошлаб, 1825 йилгача Хоразмда содир бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Асар муқаддима, беш боб ва хотимадан иборат. Аммо Мунис бу асарини ёзиб тамомлай олмаган, асарни Огаҳий давом эттириб, Хоразмда содир бўлган воқеаларни ёзиш билан тўлдирган.

Муҳаммадризо Огаҳийнинг тарихга оид асарларидан бири “Риёз уд-давла” асари бўлиб, у 1825 йилдан 1842 йилгача Хоразмда бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Асар Огаҳий тарафидан 1260/1844 йилда ёзилган. Огаҳий бу асарни ёзишда ўша давр тарихчиларининг анъанасига мувофиқ ҳамд ва наът билан бошлайди. Дастлаб, ўз ҳаёти ҳақида қисқача гапириб, Хива хони Оллоқулихонга мактовлар бағишлайди. Ундан сўнг тарих илмига таъриф бериб, бу асарнинг ёзилишига сабабчи бўлган шахслар ҳақида гапиради. Сўнгра Оллоқулихоннинг туғилишидан бошлаб, то вафотигача Хоразмда бўлган тарихий воқеаларни баён этади. Асар орқали Огаҳийнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини ҳам ўрганиш мумкин.

XIX аср Хоразм тарихига оид асосий қўлёзма манбалардан яна бири 1262 (1845–1846) йили Огаҳий тарафидан ёзилган “Зубдат ут-таворих” асаридир. Асар “Риёз уд-давла” асаридан кейинги даврни, яъни 1843 йилдан 1846 йилгача Хоразмда бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олади.

Огаҳийнинг яна бир асари 1846 йилдан 1855 йилгача Хоразмда бўлган тарихий воқеаларни баён этувчи “Жомеъ ул-воқеоти султоний” номли асаридир.

“Гулшани давлат” Огаҳийнинг Хоразм тарихига бағишлаган тўртинчи асаридир. Мазкур асарда 1856 йилдан 1865 йилгача бўлган воқеалар ўз аксини топган. Ёзилиш тарихи ҳақида муқаддимада қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Бу китоб ўқувчиларга ва мутолаа этувчиларга маълум бўлсинки, мен, Эрнийезбекнинг ўғли Муҳаммадризо мироб, лақабим Огаҳий кўп вақтлардан бери Хоразм тарихини ёзиш билан ўз қаторларим ичида хурсанд эдим. Саййид Муҳаммадхон даврида бу асаримни ёзишга бошладим ва уни “Гулшани давлат” номи билан атадим”.

Огаҳийнинг Хоразм тарихига оид асарларидан охиригиси 1865 йилдан 1872 йилгача Хоразмда бўлган воқеаларни баён этувчи “Шоҳид ул-иқбол” номли асаридир. Асар 1872 йилги воқеаларнинг баёни билан тугаган. Асар 277 варақдан иборат бўлиб, ўлчови 14x25 см. “Шоҳид ул-иқбол” асарини Огаҳий Муҳаммад Раҳимхон II даврига атаб ёзишга киришган. Бизга маълумки, мазкур асарнинг ягона нусхаси 1873 йили сарой талон-торожи вақтида Санкт-Петербургда олиб кетилган.

Муҳаммад Юсуф Баёний тарихчи сифатида ўзининг “Шажарайи Хоразмшоҳий” ва “Хоразм тарихи” (иккинчи асар охирига етмаган) асарлари билан Хоразм тарихнавислик мактабида ном қолдирди. Унинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” номли асарида қадимги даврдан то 1873 йилгача бўлган тарихий воқеаликларнинг баёни билан бирга, 1873 йилдан 1914 йилларгача бўлган воқеалар ҳам тасвирланади. Унинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” асари 16 бобдан иборат. Асарнинг муқаддимасида унинг яратилиш сабаблари айтиб ўтилган. Баёнийнинг иккинчи тарихий асари “Хоразм тарихи” деб номланган.

Хоразм тарихнавислари қаторида Мулло Ҳасан Мурод қори, “Комқори ушшоқ” таҳаллусли ибн Муҳаммадамин ибн Муҳаммадназар девон ибн Қилич Ниёз бий ибн Ниёзмуҳаммад маҳрам томонидан Асфандиёрхон даври тарихига атаб ёзилган “Гулшани саодат” асарини ҳам келтириш мумкин. Муаллиф қаламига мансуб бўлган мазкур нусхадаги воқеалар баёни 1334/1916 йилни ўз ичига олган (Асфандиёрхон 1918 йили вафот этган).

Хива шаҳзодаси Сайид Хомиджон тўра ибн Сайид Муҳаммад-хон “Комёб” ҳам хонлик тарихи бўйича асар яратганлиги бизга маълум. У Хива хони Муҳаммад Раҳим II Феруз назорати остида шоир ва тарихчи бўлиб етишди. У бу тарихни ёзишга 2-шаввол 1303/1886 йили 4 октябрда киришган (18-варақ). Асарда XIX асрда яшаган Хива хонларининг таржимаи ҳоли ва уларнинг насаблари келтирилган. Хотимада хронологик тартибда 1291/1874–1875 йилдан то 1313/1895–1896 йиллар орасида юз берган zilzilalar, об-ҳавонинг ўзгаришлари ҳам қайд этилган.

1869–1912 йилларда яшаб ижод этган Аҳмаджон Табибийнинг “Таворих ал-хавонин” (Хонлар тарихи) номли қўлёзма тарихий асари бор. Бу асар Асфандиёрхон даври (1910–1918) тарихини ўз ичига олиб, асар вазир Ислонхўжанинг (1872–1913) буйруғи билан ёзилган.

Жуманиёз Хожа Хоразмий ал-Хивақий ибн Бобониёз Хоразм тарихига оид рисола ёзган. У аниқ номланмаган бўлиб, Хоразмда содир бўлган 1910–1919 йиллар воқеаларни ўз ичига олади. Нусха рус фабрика қоғозида яшил сиёҳ ва қора туш билан оддий настаълик ёзувида битилган. Бу 90 варақдан иборат қўлёзма XX асрнинг 20-йилларида ёзилган. Ўлчами 17,5x22,5 см.

Юкорида келтириб ўтилган Хива хонлиги тарихига бағишланган тарихий асарлар шу давр ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАР АСАРЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

С.Маткаримова (тарих кафедраси доценти, т.ф.и.),

У.Салаев (тарих кафедраси магистранти)

XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, инглиз-рус рақобатининг ошгани сайин Европа ва Америка дипломатлари ва сайёҳларининг эътибори Хива ва Бухорога қаратилган, натижада хорижлик (инглиз, немис, француз, венгер ва америкалик) муаллифлар томонидан илмий изланишлар ва тадқиқотлар кенг тусда олиб борилган. Уларда хонликнинг ҳаётига доир турли хил маълумотлар учрайди. Хусусан, Хива хонлигидаги XIX асрнинг иккинчи ярмида кулчилик муносабати, кул савдоси иши юзасидан А. Вамбери,¹ инглиз тадқи-

¹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии... с. 200–201.